# МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМНИ ПУХТА ЭГАЛЛАЙЛИК

## ПАРТИЯ МАОРИФИ, ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНИШИГА ДОИР

Марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашнинг мустаҳкам негизи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. У коммунистларни, меҳнаткашларни онгли сиёсий жангчиларга, социал ҳодисаларни мустақил равишда баҳолай оладиган, ҳозирги вазифаларнинг пировард мақсадларимиз билан боғлиқлигини кўра оладиган, ҳар қандай ғоявий мухолиф билан далиллар келтириб баҳс юрита оладиган кишига айлантиради.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида сўзлаган нутқида партия комитетлари шуғулланишга мажбур бўладиган бошқа масалалар нақадар муҳим бўлишидан қатъи назар, идеологик иш тобора биринчи ўринга чиқаётганлиги таъкидланди. Ривожланган социализмни планли асосда ва ҳар томонлама такомиллаштиришнинг стратегик вазифаларини ҳал этиш тўғридан-тўғри меҳнаткашларнинг онглилиги ва активлигига боғлиқдир.

Ю. В. Андроповнинг нутқида, К. У. Черненконинг докладида, Пленумнинг бошқа ҳужжатларида идеологик фаолиятни янада яхшилашнинг, унинг самарадорлигини оширишнинг конкрет программаси белгилаб берилди. Партиянинг бу соҳадаги муҳим вазифаларидан бири партия маорифи, оммавий-сиёсий таълим услубини ўзгартиришдан иборат.

Партия комитетлари, пропагандист кадрлар партия XXVI съезди тавсияларини, КПСС Марказий Комитети қарорларини амалга ошира бориб, марксча-ленинча таълимни ташкил этишни такомиллаштириш юзасидан маълум ишларни амалга оширдилар. Ҳозирги вақтда партия ўқуви системаси 16 миллиондан ортиқ коммунистлар ва партиясиз активларни қамраб олган. КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини, Ю. В. Андроповнинг «СССРнинг 60 йиллиги» докладини, унинг «Карл Маркс таълимоти ва СССРда социалистик қурилишнинг баъзи масалалари» мақоласини батафсил ўрганиш ўқишнинг мазмунини актуаллаштиришга ва унинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлашга ёрдам берди. Мактаблар ва семинарлар тингловчиларининг ўз партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари амалий вазифаларини ҳал этишдаги иштироки активлашди.

Шу билан бирга, партия ўқувини йўлга қўйишда жиддий камчиликлар бартараф этилгани йўқ. Кўпгина машғулотлар юксак талабларга тўла даражада жавоб бермайди, расмият учунгина ўтказилмоқда, коммунистларда жиддий қизиқиш уйғотмаётир. Баъзи пропагандистлар тингловчилар бир қисмининг ижтимоий пассивлигига бефарқ қарамоқдалар. Мустақил равишда сиёсий ўқиш, индивидуаль планлар бўйича ўқиш суст ривожланмоқда. Партия ташкилотлари машғулотларнинг мазмуни ва сифати масалаларини ҳамиша ҳам чуқурроқ ўрганмаётирлар.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми идеология ишининг ана шу муҳим йўналишидаги аҳволни чуқур таҳлил қилиб, мавжуд камчиликларни очиб ташлади, партия ўқуви сифати ва таъсирчанлигини янада ошириш йўлларини белгилаб берди. Пленумда кўрсатиб ўтилганидек, энг аввало расмиятчиликка, у ёки бу умумий қоидаларни механик тарзда, ҳаётдан ажралиб қолган ҳолда ўрганишга чек қўйиш керак. «Сиёсий ўқувнинг моҳияти шундаки, — деб таъкидлади Ю. В. Андропов, — ҳар бир киши ҳозирги кун шароитида партиянинг сиёсатини чуқурроқ тушунсин, олган билимларини амалда қўллана олсин, ўзининг бурчини аниқ тасаввур қила олсин ва бажарсин».

Партия маорифини, меҳнаткашларнинг оммавий-сиёсий ва иқтисодий таълимини партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитети (1982 йил) май, ноябрь ва (1983 йил) июнь Пленумлари ишлаб чиққан йўлни амалга ошириш борасидаги фаолияти билан уйғун равишда боғлаб олиб бориш керак. Коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг ўқиши халқ маънавий куч-ғайратини сафарбар этишга, унинг меҳнат ва социал активлигини оширишга қанчалик кўмаклашса, ўн биринчи беш йилликнинг амалга оширилиши, олға ҳаракатимиз суръатлари кўп жиҳатдан шунга боғлиқдир.

Партиямиз коммунистларда назарияга эҳтиёжни, унга қизиқишни тарбиялашга ҳамиша жиддий эътибор бериб келди ва эътибор бермоқда. Бу — КПССнинг ўзгармас ленинча анъанасидир.

Июнь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, марксча-ленинча таълим соҳасида ишни изчиллик ва қатъият билан яхшилаш, унинг ғоявий-назарий, ташкилий ва методик савиясини ошириш, партия ўқуви меҳнат коллективларининг етакчи кучи ва сиёсий ўзаги бўлган партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини оширишга актив хизмат қилишига эришиш керак.

Ҳозирги вақтда партия ташкилотлари, пропагандистларнинг биринчи навбатдаги вазифаси КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми ҳужжатларини тушунтиришни ва чуқур ўрганишни таъминлашдан иборат. Бу ҳужжатлар партия ва халқ бутун фаолияти учун ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳар бир коммунист, барча меҳнаткашлар Пленум қарорлари моҳиятини яхши тушунишлари, бу қарорларни амалга оширишда ўз ўринларини аниқ белгилаб олишлари керак. Кенг омманинг Пленумда кўтарилган масалаларга жуда катта қизиқиш билан қараётганлигини ҳисобга олиб, июль — сентябрда ўқишнинг барча формаларида «Янги кишини шакллантириш — коммунистик қурилишнинг мақсади ва шартидир» ва «Социал-иқтисодий вазифаларни идеологик жиҳатдан таъминлаш» мавзулари бўйича меҳнаткашлар билан икки машғулот ўтказиш тавсия этилган эди.

Партия маорифи системасида июнь Пленуми материалларини ўрганиш келгуси ўқув йилида ҳам давом эттирилади ва бу ўқиш «Идеология иши — бутун партиянинг, ҳар бир коммунистнинг иши» мавзусидаги машғулот билан бошланади. Бу машғулотнинг мақсади коммунистлар партия идеологик ишларини такомиллаштиришнинг йўлларини чуқур тушуниб олишларини, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш учун ўзларининг шахсий масъулиятларини чуқур англаб етишларини таъминлашдан иборат.

Ғоявий-сиёсий ишларнинг кучи унинг илмий жиҳатдан асосланганлигида, энг илғор, мунтазам ривожланиб борувчи марксча-ленинча назарияга таянишидадир. Партиямиз революцион таълимотни ижодий ривожлантириш юзасидан жуда катта иш қилмоқда. Сўнгги йилларда совет жамияти иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий тараққиётининг характери тўғрисида муҳим назарий умумлашмалар ва хулосалар чиқарилди. Улар партияни, бутун халқни ҳозирги замоннинг актуал проблемаларини таҳлил этишнинг илмий асосланган методлари билан қуроллантиради.

Ўртоқ Андроповнинг КПСС Марказий Комитети июнь Пленумидаги нутқи илмий коммунизм назарияси ва практикасига қўшилган катта ҳиссадир. Унда яқин йилларда ва келажакда совет жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларига чуқур характеристика берилди, идеология ишларининг асосий вазифалари белгилаб берилди, КПСС Программаси янги таҳририни тайёрлашнинг асосий вазифалари белгиланди. Нутқдаги программ қоидалар ва хулосалар партия маорифи, комсомол сиёсий ўқуви, меҳнаткашларнинг оммавий-сиёсий ва иқтисодий таълими системаларидаги барча ўқув курсларига уйғун равишда киради.

Партия маорифи системасида янги ўқув йилида коммунистлар ва партиясиз активларнинг диққат-эътибори марксизм-ленинизмнинг таркибий қисмларини, шунингдек КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми олға сурган фундаменталь назарий ва сиёсий проблемаларни ўрганишга қаратилади. Энг аввало гап ривожланган социализм назарияси ва практикасини чуқур идрок этиш тўғрисида бормоқда. Партия ўқувининг ҳамма формаларида ривожланган социализмнинг қонуниятларини, унинг ишлаб чиқарувчи кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари тараққиётининг характерини, тақсимот соҳаси характерини очиб бериш керак. Партия пропагандистлари кишилар турмуш шароитининг яхшиланиши ҳар бир кишининг онгли ижодий меҳнати натижасига боғлиқ эканлигини очиқ ва равшан кўрсатиб беришлари, социализм шароитида меҳнаткашлар ҳаёти принципиал янги фазилатларининг, социалистик цивилизация деб аташга муносиб бўлган нарсаларнинг ҳаммасининг моҳиятини очиб беришлари лозим.

Социализм тараққиёти тўғрисидаги таълимотни ўрганиш коммунистлар учун унинг барча соҳаларини такомиллаштиришда амалий иштирок этишнинг илмий-назарий базасидир.

Марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш тарихий ютуқларимизни, янги тузум афзалликларини ишончли ва моҳирона пропаганда қилиш билан мустаҳкам боғлиқ бўлиши керак. Бу ўринда ленинчи партиямиз иккинчи съездининг 80 йиллигига бағишланган ҳужжатлар ва материалларни пропаганда қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шуни ҳисобга олиб, партия тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотни, социализм учун курашнинг турли босқичларида партия фаолиятининг тажрибасини ўрганишга эътиборни кучайтириш, ривожланган социализмни такомиллаштириш шароитида КПССнинг раҳбарлик роли ўсиб боришини тўлиқроқ кўрсатиб бериш талаб қилинади.

Халқаро вазиятнинг жиддий кескинлашганлиги, урушдан кейинги бутун даврда бир-бирига зид бўлган икки дунёқарашнинг, икки сиёсий йўлнинг — социализм билан империализмнинг бир-бирига қарши кураши мисли сиз даражада интенсивлашиб, ўткирлашганлиги жаҳон майдонида идеологик кураш проблемаларини, КПСС халқаро фаолияти масалаларини ўрганишга эътиборни кучайтиришни талаб қилади. Жаҳонда миллиардлаб кишиларнинг ақли ва қалби учун кураш кетмоқда. Инсониятнинг келажаги кўп жиҳатдан ана шу курашнинг натижасига боғлиқдир. Ана шундан келиб чиқиб қараганда, социалистик жамият, унинг афзалликлари тўғрисидаги, унинг тинчликсевар сиёсати тўғрисидаги ҳақиқатни кишиларга содда ва равон баён қилиб бериш ғоят муҳим эканлиги равшан бўлади. Империализмнинг сохта, кўпорувчилик пропагандасини, халққа қарши сиёсатини очиб ташлаш, тингловчиларда буржуазия идеологияси ва ахлоқига муросасизликни, юксак сиёсий хушёрликни, ҳозирги замоннинг актуал проблемаларини таҳлил этишга синфий жиҳатдан ёндашишни тарбиялашнинг аҳамияти ҳам бундан кам эмас. Шунга эришиш керакки, ҳар қандай курсни, проблемани ўрганиш вақтида буржуазия ва ревизионистик идеологиянинг илмий жиҳатдан асоссиз эканлиги ва реакцион моҳияти асосли танқид қилинсин, КПСС тарихи ва сиёсатини, реал социализм ютуқларини сохталаштириш фош қилинсин.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми кўрсатмаларига мувофиқ равишда бутун ўқув жараёни аввалгидаги каби К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин ғоявий мероси, КПСС ҳужжатлари базасида, партия ички ва ташқи сиёсати актуал проблемалари билан, халқ хўжалиги ва социал-сиёсий вазифаларни ҳал этиш билан органик бирликда тузилади.

Ёш коммунистлар мактабларида КПСС Устави, партиянинг программ ҳужжатлари, аввало Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети июнь Пленумидаги нутқи асосида партия қурилишини ўрганиш давом эттирилади. Партияга кирган ҳар бир кишига партиянинг ғоявий-сиёсий меросини, унинг ленинча анъаналарини, большевистик этикани ўзлаштиришда ёрдам бермоқ керак. Партия сафига янги кирганларнинг сиёсий ўқуви партия ташкилотларининг ҳаёти билан мустаҳкам боғлиқ бўлмоғи лозим.

Марксизм-ленинизм асослари мактаблари тингловчиларининг диққат-эътибори марксча-ленинча назариянинг таркибий қисмларини, КПСС тарихини, унинг иқтисодий сиёсатини ўрганишга қаратилади. Сиёсий мактабларда шуғулланувчилар учун партия ички ва ташқи сиёсатининг актуал масалаларини ўрганиш тавсия этилади.

Илмий коммунизм мактабларида ўқишнинг асосий мазмунини ривожланган социализм назарияси ва практикаси, партиянинг иқтисодий ва социал сиёсати, КПССнинг тарихий тажрибаси, хўжалик механизмини такомиллаштириш, ҳозирги босқичда КПССнинг аграр сиёсати, социалистик турмуш тарзи, жаҳон миқёсида идеологик кураш, жаҳон социализм системасини ривожлантириш, халқаро коммунистик ҳаракат масалалари бўйича проблем курслар ташкил этади.

Партия раҳбар, партия ва хўжалик кадрларини марксча-ленинча чиниқтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Партиянинг сиёсатини ҳаётга муваффақиятли жорий этиш, улардан марксча-ленинча назарияни чуқур ўзлаштиришни талаб қилади. Келгуси ўқув йилида улар учун икки йиллик махсус курс — «Ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг актуал проблемалари» курси тавсия этилади. Партия-хўжалик активи мактаби ишлари сифати оғишмай юксалиб боришига, раҳбар коммунистларнинг ғоявий-назарий савиясини ошириш устидан назоратни кучайтиришга эришиш муҳимдир. Идеология активи КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари асосида идеологик ишлар назарияси ва практикаси масалаларини ўрганадилар.

Партия ташкилотлари мустақил ўқиб, сиёсий таълим олишни янада ривожлантиришга, индивидуал план асосида ўқишни ривожлантиришга эътиборни кучайтиришлари лозим. Ўтган ўқув йилида аввал ўзлари танлаб олган фанларни ўрганишни тугаллаган олий маълумотли коммунистларга мустақил ишлаш учун аввало марксизм-ленинизм классикларининг айрим асарлари, СССРда социалистик демократияни, миллий муносабатларни ривожлантиришнинг актуал проблемалари ва бошқа масалалар тавсия этилади. Мустақил иш олиб боришда тингловчиларга ёрдам кўрсатиш учун асосий назарий масалалар бўйича махсус лекциялардан, консультациялар, семинарлар, назарий конференциялардан фойдаланиш муҳимдир. Коммунистларнинг мустақил ўқишлари устидан контролни кучайтириш мақсадида, уларнинг билимлари қанчалик чуқурлиги ва мустаҳкамлигини аниқлаш учун партия комитетларида ижтимоий фанлар ўқитувчилари, тажрибали пропагандистлардан консультантларни жалб этган ҳолда ўрганилаётган масалалар моҳияти бўйича яккама-якка ва группа бўлиб суҳбатлар ўтказиш тавсия қилинади. Коммунистларнинг уюштирилган формаларда ўқишини индивидуал планлар бўйича мустақил равишда сиёсий таълим олиш билан алмаштириб туриш мақсадга мувофиқдир.

Илмий зиёлилар методологик семинарларда ижтимоий, табиий ва техникавий фанларнинг фалсафий проблемаларини ўрганишни давом эттирадилар. Ўқув мазмунини ҳозирги ижтимоий тараққиётнинг, ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг актуал масалалари билан бойита бориш муҳимдир. Методологик семинарлар фан-техника революциясининг ютуқларини социалистик тузумнинг афзалликлари билан қўшиб олиб бориш жараёнига ўз ҳиссасини қўшмоғи керак.

Партия маорифи системаси учун тавсия этилаётган курсларнинг ўқув программалари қайтадан ишлаб чиқилмоқда, КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг материаллари билан бойитилмоқда.

Янги ўқув йилида оммавий-сиёсий таълим ўқитувчилар, маданият, ҳунар-техника таълими, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг ходимлари учун, ўқув юртларининг ўқитувчи кадрлари, бошқа бир қанча тармоқларнинг ходимлари учун ташкил этиладиган илмий коммунизм мактабларида амалга оширилади. Уларнинг программалари КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг ҳужжатлари асосида тегишли министрликлар ва идораларнинг методик кенгашлари томонидан қайта ишлаб чиқилади. Кадрларнинг хусусиятларини ва профессионал ҳамда ижтимоий фаолияти характерини ҳисобга олиш ўқишни ташкил этишда муҳим эканлигини тажриба кўрсатиб турибди. Оммавий-сиёсий таълимни ривожлантиришда «Билим» жамияти, касаба союз, комсомол ташкилотларининг роли орта боради.

Меҳнаткашларнинг иқтисодий тайёргарлиги халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этишни идеологик жиҳатдан таъминлашда, экономикани ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Янги ўқув йилида иқтисодий таълим ва меҳнаткашларни тарбиялаш ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, кадрларнинг замонавий иқтисодий тафаккурини таркиб топтириш, социалистик омилкорлик ва ишчанлик руҳида тарбиялаш вазифаларини ҳал этишга қаратилади. Ўн биринчи беш йилликда фан-техникани тараққий эттириш, иқтисод ва тежамкорлик, хўжалик механизми ва бошқаришни такомиллаштириш, СССРнинг Озиқ-овқат ва Энергетика программаларини амалга ошириш проблемалари юзасидан тавсия этилган ўқув курсларини кенгроқ кўламда ўрганиш кўзда тутилади. Қишлоқда коллектив пудрат; тежамкорликни таъминлаш тажрибаси; меҳнатни ташкил этишнинг бригада, хўжалик ҳисоби формалари (саноатда, қурилишда, транспортда); ишлаб чиқаришни техника билан қайта таъминлаш ва қўл меҳнатини қисқартириш тажрибаси; фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштириш; меҳнат коллективи ва бошқарув каби актуал мавзулар юзасидан янги ўқув программаларини тайёрлаш ҳам мўлжалланмоқда. Ўқиш жараёнида илғор тажрибани ўрганиш ва жорий этиш, иш жойидаги иқтисодий фаолиятни (коллективда) таҳлил этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан шахсий (бригада) планларини, тежамкорликнинг шахсий ҳисобларини тузиб чиқиш, социалистик мажбуриятларни ишлаб чиқиш малакаларини эгаллаш соҳасида амалий машғулотлар ўтказишни кўзда тутиш муҳимдир.

Партия ташкилотлари комсомол сиёсий ўқувини уюштириш, ёшларда юксак сиёсий ва маънавий фазилатларни, жамият бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш қобилияти ва меҳнат қилишга шай бўлиб туриш хислатларини шакллантириш, ватанпарвар, интернационалист, ўз мамлакатининг омилкор хўжайини туйғуларини ривожлантириш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилмоқдалар. Ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида сўзлаган нутқида ёш авлодни тарбиялаш тўғрисида гапириб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: «Партия бизда инсон шунчаки муайян билимлар йиғиндиси соҳиби бўлибгина эмас, балки аввало — социалистик жамият граждани, унга хос ғоявий йўл-йўриқларга, ахлоқ ва қизиқишларга, юксак меҳнат ва хулқ-атвор маданиятига эга бўлган коммунизмнинг актив қурувчиси бўлиб тарбияланишига эришмоқда». Ана шу йўл-йўриқларни амалга ошириш, марксча-ленинча назарияни ва КПСС сиёсатининг асосларини социал-сиёсий практика билан маҳкам боғлаб борган ҳолда актив ўрганиш — янги ўқув йилида комсомол сиёсий маорифининг асосий мазмуни бўлади.

Назарий таълим партиянинг сиёсатини чуқур англашни таъминлаб, ўз гражданлик бурчини бажариш юзасидан масъулиятни кучайтириши учун таъсирчан, ижодий характерга эга бўлиши керак. Таълимнинг актив формалари ва методларини ривожлантириш — унинг сифатини ва берадиган натижаларини оширишнинг зарур шартидир. Кейинги йилларда бу соҳада бирмунча тажриба тўпланди. Реферат ва докладларни муҳокама қилиш, мунозара ўтказиш, таълимнинг проблема методи, илмий-амалий конференциялар, ишлаб чиқариш фаолиятини таҳлил этиш юзасидан амалий топшириқларни бажариш, социалистик мусобақани ташкил этиш ҳамма жойда практикага жорий этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси «Пропагандист — беш йилликка» ҳаракатини кенг ривожлантириш, тингловчиларнинг меҳнат фаолиятини ривожлантиришда унинг ролини ошириш имконини берди.

Партия ўқуви системаси тингловчиларининг ижтимоий-сиёсий практикаси тобора кенг ривожланмоқда. Тингловчилар бирга ишлаётган ўртоқлари ҳузурида, истиқомат жойларида жонбозлик билан сиёсий ахборот бериб, суҳбатлар уюштирмоқдалар, коллективдаги ғоявий-тарбиявий ишларни таҳлил этишда қатнашмоқдалар.

Лекин шундай бўлса ҳам, сиёсий таълимнинг актив формалари ва методлари ҳали ҳамма жойда ҳам жорий этилган деб бўлмайди. Кўп пропагандистлар бундай иш методикасини лозим даражада эгаллаб олган эмаслар. Шунга эришмоқ керакки, машғулотлар пропагандистларнинг лекцияларидан ва олдиндан топшириқ бериб қўйилган айрим тингловчиларнинг нутқларидангина иборат бўлиб қолмасин. Ҳар бир сиёсий машғулотнинг сифатига унда қатнашувчиларнинг фикр-мулоҳазалари савиясига, коммунистик идеалларнинг ҳаққонийлигини исбот этиб, қаттиқ туриб ҳимоя қила билишга, ўзининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолияти умумпартиявий ва давлат вазифаларини ҳал этиш билан боғланганлигини кўра билишга қараб баҳо бериш зарур.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қўйган янги вазифалар партия комитетларидан пропагандистларга назарий ва методик ёрдамни анча яхшилаш учун зўр ғайрат билан ишлашни талаб этади. Пропагандистларни машғулот вақтида асосий ишларидан озод қилиш шарти билан уюштириладиган икки ҳафталик курслар партия ўқуви системасида пропагандистларга таълим беришнинг муҳим формаси бўлиб қолди. Бундай курсларни предметлар бўйича бутун календарь йили мобайнида кичик группалар иштироки билан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса пропагандистларни қайтадан тайёрлашни ташкил қилишга ва бу ишнинг сифатини яхшилашга ёрдам беради. Курсларнинг ишини бундан буён ҳам яхши йўлга қўйиш, уларнинг мазмунини партия назарияси ва сиёсатининг, жаҳон майдонидаги идеологик курашнинг актуал проблемалари билан бойитиш, партия ўқуви методикасини такомиллаштириш зарур. Пропагандистларни психология ва педагогика билимлари, душман идеологиясига қарши пропаганда методикаси, ўқитиладиган фан назарияси билан қуроллантиришга алоҳида эътибор бериш керак. Пропагандистларнинг ёз-куз фаслларидаги курсларида КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг ҳужжатларини батафсил ўрганишга алоҳида эътибор бериш тавсия этилади.

Пропагандистларнинг навбатдаги ўқиши аввалгидек бундан буён ҳам шаҳар ва район партия комитетлари ҳузуридаги доимий семинарларда ташкил этилади. Кўп йиллик тажриба пропагандистлар учун қулай бўлган пайтларда уларнинг бутун ой мобайнида ўқиши ва партия комитетларининг уларнинг иш шароитларига доим эътибор бериб туришлари пропагандистик маҳоратни ўстиришга кўмаклашиб, таълимнинг самарадорлигини ошириш учун реал имкониятлар вужудга келтирилаётганлигини кўрсатади. Айрим жойларда пропагандистлар семинарларининг мунтазам ўтказилмаслиги умуман партия ўқувининг сифати ва самарадорлигини пасайтириб юбориши мумкин.

Пропагандистларнинг ўқувида марксизм-ленинизм университетларининг роли ўсиб бормоқда. Янги ўқув йилида университетларда ўқувчиларнинг умумий сонини кўпайтирмаган ҳолда қишлоқ партия ташкилотлари учун пропагандистлар ва консультантлар тайёрлаш соҳасида сиртқи бўлимларни анча кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Пропагандистларга ёрдам беришнинг бошқа формаларини ҳам такомиллаштириш, якка-якка консультация беришни кенг қўлланиш, таянч мактабларининг ишини кучайтириш, тажрибали пропагандистларнинг ёш пропагандистларга оталиғини уюштириш, тажриба айирбошлаш, пропагандистлар кунидан актив фойдаланиш зарур.

Сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари жойларда партия пропагандаси ва пропагандистлар таълимининг методик марказларидир. Уларнинг ўқув-материал базасидан самарали фойдаланиш, оғзаки сиёсий пропаганда ва агитацияни методик жиҳатдан таъминлаш соҳасида самарали иш олиб бориш учун бутун шарт-шароитни вужудга келтириш муҳимдир.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситалари — матбуот, телевидение, радио сиёсий ўқув ва иқтисодий таълим системасидаги пропагандистлар ва тингловчиларга катта ёрдам бермоқда. «Партийная жизнь», «Политическое самообразование», «Агитатор», «Экономическая газета» журналлари ва бошқа марказий ижтимоий-сиёсий, шунингдек илмий нашрлар КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми илгари сурган актуал назарий ва сиёсий масалаларга доир мақола ва консультацияларни босиб чиқарадилар, партиянинг идеология соҳасидаги фаолияти тажрибасини ёритадилар. Область, ўлка ва республика матбуоти, маҳаллий радио ва телевидение пропагандистларга ёрдам бериш учун назарий ва методик материалларни мунтазам равишда эълон қилишлари, агитация-пропаганда иши соҳасидаги илғор тажрибани ёритишлари зарур.

Партия маорифини, меҳнаткашларнинг сиёсий ўқувини янада яхшилаш юзасидан КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг ҳужжатларидан келиб чиқадиган вазифалар ва чораларни партия комитетларининг мажлисларида ва коммунистларнинг йиғилишларида, пропагандистларнинг кенгашларида муҳокама қилиш керак.

Партия маорифи, оммавий сиёсий таълим мактаблари ва семинарларга тингловчиларни қабул қилиш вақтида коммунистларнинг, партиясиз активнинг билими ва сиёсий тайёргарлик даражасини тўлароқ ҳисобга олиш, бошланғич ва цех партия ташкилотларидаги анъанавий ўқув формаларидан фойдаланиш билан бир қаторда машғулот ўтказиш учун цехлараро ва территориал группаларни ҳам вужудга келтириш керак. Партия комитетлари КПСС Марказий Комитетининг марксизм-ленинизм соҳасида яхши тайёрланган пропагандистлар бўлиб муваффақиятли иш олиб боришга қодир бўлган, партия ўқувининг юксак ғоявий-назарий савияси ва таъсирчанлигини таъминлай оладиган коммунистлар мавжуд бўлган тақдирдагина мактаб ва семинарларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир, деб берган тавсиясига оғишмай амал қилишлари зарур. Бундай кадрлар бўлмаган тақдирда район, шаҳар партия комитетлари марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганувчи коммунистларни биркитиб қўйиш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, бошқа ташкилотларнинг пропагандистларини юборишлари лозим.

Партия маорифига самарали раҳбарликни амалга ошириш — машғулотларнинг сифатини, уларнинг таъсирчанлигини ҳар томонлама ва чуқур таҳлил этиш шу кунги практика учун энг қимматли бўлган форма ва методларни тўпланган жуда катта тажрибалар орасидан танлаб олиш, тингловчиларнинг ўқиши ва пропагандистларнинг иши устидан назоратни яхши йўлга қўйиш демакдир. Бу — коммунистларни ғоявий жиҳатдан чиниқтиришни янада кучайтириш, меҳнат коллективларининг ҳаётида уларнинг авангардлик ролини ошириш борасидаги катта резервдир.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми марксча-ленинча таълимни ва коммунистларни, барча меҳнаткашларни тарбиялаш ишларини такомиллаштириш соҳасида партия ташкилотлари ва пропагандистлар олдига юксак талаблар қўйди. Пленум қарорларини амалга ошириш идеологик, ғоявий-тарбиявий ишни ҳозирги давр вазифалари даражасига кўтаришга, бу ишни социал-иқтисодий ва маданий қурилиш практикаси билан чамбарчас боғлаб боришга ёрдам беради.

(«Правда», 2 август).

## ЛЕНИН ПАРТИЯСИ ВЕТЕРАНЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

2 август куни В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиалида байрам кайфияти ҳукм сурди. Ленин партиясининг Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун курашда, дастлабки беш йилликларнинг топшириқларини амалга ошириш ишида қатнашган кекса ветеранлари республика пойтахтининг ёшлари, меҳнат коллективларининг намояндалари билан учрашмоқ учун бу ерга келдилар.

РСДРП иккинчи съездининг 80 йиллигига бағишланган учрашув қатнашчилари партия босиб ўтган қаҳрамонона йўл тўғрисида, Тошкент коммунистлари улуғ Ленин васиятларини амалга ошириш соҳасида қилган жуда катта ишлар ҳақида гапирдилар. Партия ветеранлари шаҳар советининг раиси И. Иброҳимова, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, 1918 йил февралидан партия аъзоси С. О. Паршин, «Ташсельмаш» заводи токарларининг бригадири, КПСС XXVI съезди делегати Ю. Степаненко, Тошкент давлат медицина институтининг студенти Д. Каримова сўзга чиқиб, партия ветеранларининг ҳаёти ва фаолияти Тошкент ёшлари учун ҳамиша намуна бўлиб хизмат қилажагини таъкидладилар. Кекса коммунистлар бошлаган улкан зафарли ишлар, деб таъкидлашди сўзга чиққан нотиқлар, бугунги кунда КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида партия олиб бораётган кўп қиррали ишларда ўз ифодасини топмоқда.

(ЎзТАГ).



Суратда: учрашув қатнашчилари — партия ветеранларидан бир группаси В. И. Ленин Марказий музейи филиали олдида. А. Кошкин, Р. Шамсутдинов фотоси (ЎзТАГ).

## ХЕЛЬСИНКИ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРАЙЛИК

1 август куни Москвада совет жамоатчилиги вакилларининг Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш Якунловчи акти имзоланганлигининг 8 йиллигига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун курашувчи Совет комитетининг раиси, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Шитиков докладида ва бошқа нутқларда кенгаш ҳамда унинг Якунловчи ҳужжати тарихий аҳамиятга эга эканлиги қайд этиб ўтилди. Бу ҳужжат ҳозир ҳам халқаро вазият кескинлашиб бораётган бир пайтда ядро уруши хавфига қарши курашаётган ва кескинликни юмшатиш ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган тинчликсевар кучлар ҳаракатларининг ишончли таянчидир.

Совет Тинчлик программаси, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андропов олға сурган тинчлик ташаббуслари халқларнинг ҳаётий манфаатларига, Европада ва жаҳоннинг бошқа регионларида урушга қарши, ядро қуролига қарши кучайиб бораётган ҳаракатга батамом мос бўлиб тушади.

Йиғилиш қатнашчилари Европада хавфсизлик учун курашувчи чет эл миллий комитетларига ва бошқа тинчликсевар жамоат ташкилотларига мурожаатнома қабул қилиб, Европада уруш хавфининг олдини олиш учун курашни кучайтиришга даъват этдилар.

(ТАСС).

## Т. З. ЗОҲИДОВ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг собиқ кафедра мудири, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиги Теша Зоҳидович Зоҳидовнинг республикада илм-фан, маориф ва маданиятни ривожлантиришдаги катта хизматларини назарда тутиб унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент кўчаларидан ва Қўқондаги мактаблардан бирига Т. З. Зоҳидов номини беришга қарор қилдилар. Олимнинг қабрида унинг бюсти ўрнатилади.

(ЎзТАГ).

# ТОШКЕНТ ТЕХНОЛОГИЯСИ — ПАХТАЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ

● **ТОШКЕНТ ТЕХНОЛОГИЯСИ МЎЛ, СИФАТЛИ, ЭРТАГИ ВА АРЗОН ПАХТА ЕТИШТИРИШНИНГ МУҲИМ ГАРОВИДИР.**

● КОМПЛЕКС ПАРВАРИШ ЦИКЛИНИ 10—12 КУНГАЧА ҚИСҚАРТИРИШ, УНИНГ ҲАЖМИНИ 5 МАРТА ОШИРИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.

● **АЛМАШЛАБ ЭКИШНИ НАМУНАЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ҲИСОБИГА ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ОШИРИЛАДИ, ҒЎЗАНИНГ КАСАЛЛИК ВА ЗАРАРКУНАНДАЛАР БИЛАН ЗАРАРЛАНИШИ КАМАЯДИ.**

● СУҒОРИШ ҚУЛАЙ АГРОТЕХНИКА МУДДАТЛАРИДА, ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА СИФАТЛИ ЎТКАЗИЛАДИ.

● **ЧЕКАНКА ҲАР ТУП ҒЎЗАДА 14—15 ТА ҲОСИЛ ШОХЛАРИ ПАЙДО БЎЛГАНДАН СЎНГ МЕХАНИЗМЛАР ЁРДАМИДА БАЖАРИЛАДИ.**

● СИФАТЛИ ДЕФОЛИАЦИЯ ЙИҒИМ-ТЕРИМНИ МЕХАНИЗАЦИЗЛАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ РОЛЬ ЎЙНАЙДИ. ДЕФОЛИАЦИЯ ҲАР БИР ЎСИМЛИКДА 3—4 ТАДАН КЎСАК ОЧИЛГАНДА ЎТКАЗИЛАДИ.

БИЗНИНГ мамлакатимизда КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг доимий ёрдами туфайли пахтачилик тез суръатлар билан ривожланмоқда, ҳосилдорлик ортмоқда ва энг қимматли ингичка толали пахта етиштириш кўпаймоқда. СССР ҳозирги вақтда пахта етиштириш соҳасида жаҳонда биринчи ўринни, дунёдаги етакчи пахтакор мамлакатлар ўртасида эса пахта ҳосилдорлиги ва сифати жиҳатидан биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Пахта энг қимматли хом ашё бўлиб, тўқимачилик саноати учунгина эмас, озиқ-овқат соҳасида ҳам катта аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда пахтадан ҳар хил маҳсулотларнинг юздан ортиқ тури олинмоқда. Толадан ташқари пахта ёғи ҳам жуда кераклидир. Чигит таркибидаги ёғ 22—23 процентни ташкил этади. Ғўзанинг вегетатив массаси, чигит чиқиндилари, хусусан кунжара чорва моллар озуқасининг муҳим манбаидир.

КПССнинг XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари мамлакатимизда пахта етиштиришни муттасил кўпайтириш вазифасини ўртага қўйди. Ўн биринчи беш йилликда ҳар йили пахта етиштиришни камида 9,2—9,3 миллион тоннага, шу жумладан Ўзбекистон ССРда 6,2 миллион тоннага етказиш кўзда тутилган. Пахтакорлар пахта етиштиришни кўпайтирибгина қолмай, унинг сифатини ҳам яхшилашлари лозим.

Пахта етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш масалалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумларида бир неча бор кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг нутқларида республикадаги барча пахтакорларнинг диққат-эътибори мўл, сифатли ва эртаги пахта ҳосили олишни таъминлайдиган ғўза парваришининг Тошкент илғор технологиясини ҳамма жойда жорий этишга қаратилди.

Пахта етиштиришнинг Тошкент индустриал технологиясини қўлланиш асосида юқори, сифатли ва эртаги ҳосил етиштириш таъминланади. Бу технологиянинг моҳияти барча жараёнларни комплекс механизациялаш асосида ғўзанинг ўсиши ва ривожини тезлатиш, ҳосилдорликни ошириш, пахтанинг сифатини яхшилаш учун бутун шарт-шароитларни вужудга келтиришдан иборат. Бунга ғўзага ишлов беришни 10—12 кун қисқартириш йўли билан эришилади. Бу эса комплекс ишлов бериш миқдорини 5 мартага етказиш ва ундан ҳам ошириш имконини беради. Бунинг натижасида ғўзанинг тез ривожланиши таъминланади. Фан ва практика комплекс ишлов бериш миқдори билан пахта ҳосилдорлиги ва унинг тез пишиб етилиши бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканлигини аниқ тасдиқлаб берди. Ишлов бериш муддатларининг қисқартирилишига суғориш, культивация қилиш, эгат олиш ва ўғит солиш муддатларини ғоят қисқартириш йўли билан эришилади. Бу чора амалга оширилганида фойдали ҳарорат анча кўпроқ бўлади. Буларнинг ҳаммаси таннарх камайтирилгани ҳолда мўл ҳосил олишга ёрдам беради. Тошкент областида 1 центнер пахта етиштириш учун меҳнат сарфи умуман республикадагига нисбатан 1,2—1,3 баравар камайди.

Тошкент областида яқин ўтмишда ҳар гектар ердан кам ҳосил — 15—20 центнер пахта олинар эди, кейинги ўн йил ичида эса гектар бошига етиштирилган пахта 36—37 центнерга етказилди.

Область меҳнаткашлари пахта етиштиришнинг ўзига хос технологиясидан фойдаланиб, ҳар йили юқори ҳосил тўплашга эришмоқдалар. Областда август ойининг охири ва сентябрнинг бошларида пахта пишиб етилади. Бу эса пахта терими об-ҳаво шароитининг қандай келишига қарамай, октябрнинг биринчи ярмида тамомлаш имконини беради. Тошкент областининг практикаси пахта етиштириш агротехникасини тартибга солиш йўли билан ҳосилнинг етилишини тезлатиб, майдон бирлигига тўғри келадиган маҳсулот миқдорини кескин равишда ошириш мумкинлигини исбот этди.

Қуёш энергиясидан энг кўп фойдаланиш самарали ҳароратни жамғариш, тупроқнинг унумдорлик даражаси, ўсимликларнинг вегетация даврида сув билан энг мақбул миқдорда таъминланганлиги ва ниҳоят экинларда бегона ўтларнинг, касалликлар ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг йўқлиги мўл ҳосил негизидир.

ТОШКЕНТ областининг пахтакорлари аввало кузги шудгорлашни ўтказиш муддатлари ва сифатига катта эътибор бермоқдалар. Одатда бундай шудгорлаш ишлари октябрь, ноябрда ўтказилади ва бунда кўп йиллик бегона ўтлар томири билан қирқиб ташланади, йиллик норманинг 70 процентига қадар фосфорли ўғит ва 50 процент миқдорда калийли ўғит солинади. Органик ўғитлардан жуда кўплаб—ҳар гектар ерга 20-30 тоннадан солинади. Кузги шудгорлаш тупроқда энг мақбул миқдорда намлик бўлган тақдирда ва асосан икки ярусли плугларда ўтказилади. Буларнинг ҳаммаси тупроқнинг унумдорлигини ошириш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Ерларни обдон текислашга, жорий текислаш ва унинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ниҳоятда катта аҳамият берилади. Бу чигитни бир текисда қийғос ва соғлом ундириб олишни, сув ва ўғитлардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Область пахтакорлари куз-қиш ва баҳор фаслларида катта ҳажмдаги ишларни бажармоқдалар. Ирригация шахобчаларини ўз вақтида тозалашга, бегона ўтлар тарқаладиган манбаларни тугатишга, боғ ва токзорларда, касаллик, зараркунандалар ва бегона ўтларнинг кўпайиши ҳамда тарқалиши манбалари бўлиши эҳтимол кутилган йўлларнинг чеккаларида профилактика ишларини ўтказишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Яхоб бериш йўли билан тупроқда намни тўплаш ва сақлаб қолишга катта эътибор берилмоқда. Эрта кўклам пайтида тупроқда намни сақлаб қолиш учун ҳамма жойда иш олиб борилади. Шу мақсадда тупроқ етилиши билан зарур бўлган жойларда бороналаш, мола бостириш ишлари ҳамда кейинчалик ерга дискли борона билан ишлов бериш ўз вақтида ва сифатли қилиб ўтказилади.

Ғўза уруғликнинг униб чиқиши учун тупроқда ҳарорат 14—15 даражадан паст бўлмаслигини талаб қиладиган иссиқсевар экиндир. Кўклам пайтида запас суғориш ёки чигит суви бериш ҳамиша тупроқда ҳароратнинг пасайишига олиб келади, бунинг оқибатида илдиз чириш касаллиги ва бошқа хил касалликларнинг вужудга келиш хавфи ниҳоятда кўпаяди.

Уруғлик сифатига ниҳоятда зўр эътибор берилади. Экиш учун марказлаштирилган тарзда сортларга ажратилган, калибрланган, стимуляторлар, фунгицидлар, микроэлементлар ёрдамида ишлов берилиб, кейинчалик капсула ҳолига келтирилган юқори сифатли 1-2-класс чигитидан фойдаланилади. Капсула қилинган чигитлардан фойдаланиш бир қанча афзалликларга эга. Бундай чигитлар одатдаги туксизлантирилган чигитларга нисбатан об-ҳаво ноқулай келган чоғда уларнинг чиришидан ҳавотир олмай аниқ усул билан бир мунча барвақт муддатларда экиб бўлиш имконини беради.

Маълумки, чигит зич қилиб экилиб, айниқса иккита чинбарг пайдо бўлганидан кейин яганалаш ўтказилган вақтда майдонда қолдириладиган ўсимликларнинг илдиз системасига шикаст етказилади. СоюзНИХИ тажрибаси шуни кўрсатадики, шикастланган илдиз системаси 15—20 кундан кейингина ўзининг аввалги «иш қобилиятини» тиклаб олади. Яганалаш ўтказилгандан кейин қолдириладиган ўсимликлар ўсиш, ривожланиш ва кўсак тугишда яганалаш ўтказилмай ўстирилган ўсимликлардан паст туради. Шу боисдан ҳамма жойда аниқ экадиган сеялкалардан фойдаланган ҳолда туксизлантирилган ва капсулланган уруғлик экиш лозим, бу эса ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 2—5 центнер кўпайтириш имконини беради.

Область пахтакорлари чигит экиш ишларини ўтказиш муддатларига катта эътибор бермоқдалар. Одатда бу ишларнинг энг яхши календарь муддатларда 5-10 кун ичида, 10 апрелгача тугалламоқдалар. Соғлом ва бақувват ниҳоллар ундириб олиш мақсадида чигит тупроққа минерал ўғит ва гербицид аралашмасини солиш билан айни бир вақтда экилади. Чигит ана шундай экилган вақтда униб чиққан ниҳоллар дастлабки кунларданоқ туйимли моддалар билан озиқланади. Бундай ниҳоллар тез суръатлар билан ўсади ва ривожланади, касалликларга, зараркунандаларга ва атроф-муҳитнинг бошқа ноқулай омилларига чидамли бўлади. Бундай ўсимликларда чинбарглар барвақт пайдо бўлади, шоналаш, гуллаш, кўсак тугиш ва пишиб етилиш пайти тез бошланади.

Ҳамма жойда ғўзалар июль ойининг биринчи ўн кунлигида минерал ўғитлар билан озиқлантириб бўлинмоқда. Илғор тажриба шуни кўрсатдики, ғўзанинг илк ривожланиш вақтида ўғит солиниши амалда эрта пайдо бўлган ҳосил тугунчаларининг тўкилиб кетишига йўл қўймайди, ғўза тупидаги шохлар оралиғини қисқартиради, ҳосил тўпланишини яхшилайди, чунки ҳосил тугунчалари энг мақбул экологик шароитларда шаклланади.

Тошкент область пахтакорлари тупроқ унумдорлигини ошириш проблемасига катта эътибор бермоқдалар. Бунга даставвал пахта-беда алмашлаб экишини ҳамда тупроқнинг органик моддалар билан тўйинишида асосий манба бўлган алмашлаб экишнинг бошқа турларини ўзлаштириш йўли билан эришилади. Пахта-беда алмашлаб экиши уч йил давомида ҳар гектар ерда 20 тоннагача органик модда тўплайди, тупроқда мавжуд биологик азот гектар бошига 600 килограммгача кўпаяди.

Шу билан бирга алмашлаб экиш тупроқ унумдорлигини ошириш, ҳосилни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш учун ниҳоятда зарур бўлган азот, фосфор, калийнинг, ҳар хил қимматли микроэлементларнинг қуйи горизонтлардан унумдор қатламга ўтиши ҳисобига тупроқни бойитади. Вилт касаллиги пахтачиликка катта зарар етказади. Алмашлаб экиш ғўзанинг шу касалликка чалиниш даражасини кескин камайтиради ва ҳосилдорликни гектар бошига 7—8 центнерга қадар оширади.

Гўнг тупроқни органик моддалар, гумис билан бойитишнинг бошқа бир манбаидир. Гўнг таркибида ғўзани ривожлантириш учун фойдали бўлган кўпдан-кўп макро ва микроэлементлар, биостимуляторлар ва жуда қимматли органик моддалар бор. Областда тупроққа гўнг асосий ишларни ўтказиш чоғида, 15 августгача бўлган вегетация даврида ғўза қатор ораларига ишлов бериш олдидан етарли миқдорда солинади.

Тошкент область пахтакорлари ғўзани ўз вақтида сифатли суғоришга зўр эътибор бермоқдалар. Суғориладиган пайкалларнинг бутун узунлиги бўйлаб участкани бир текис намлатиш, ўсимликлар учун яхши сув режимини таъминлаш, сувдан тежаб фойдаланиш ва суғоришда юксак меҳнат унумдорлигига эришиш мақсадида конкрет тупроқ шароитлари учун тавсия этилган ва илмий асосланган суғориш техникасига риоя этилмоқда. Бутун участканинг бир текис намланишини таъминлайдиган тарзда, эгатларнинг ювилиб кетишига йўл қўймай ва сув текис оқизилиб суғорилади, бу ишларнинг давом этиш муддати 24-36 соатдан ошмайди. Суғориш ишлари кечаю-кундуз тажрибали сувчилар раҳбарлигида 1,5-2 суткада 10-12 гектар ернинг суғорилишини таъминлаб, сувнинг ҳаммасини бир томонга оқизиб, группа усулида ўтказилади.

Бундай суғориш техникадан юқори унумли фойдаланиш, қатор ораларига ишлов беришни — культивация, ўташ ва юмшатиш ишларини тупроқ етилиши билан ўз вақтида ва қисқа муддатларда сифатли ўтказиш имконини беради. Қатор ораларига ишлов беришни тупроқ етилиши билан ўтказиш кераклиги тўғрисидаги талаб жуда муҳимдир, чунки худди шундай қилинган тақдирдагина тупроққа яхши ишлов берилишига эришилади.

Қатор ораларига ишлов беришда кечикиб қолинган тақдирда тупроққа яхши ишлов берилмаслиги муқаррар бўлиб, бунда кўп нам йўқотилади ва ғўзалар кўпинча жуда сийраклашиб қолади. Сифатли культивация — сувдан тежаб фойдаланиш учун курашдир. Культивация ўтказган чоғда тупроқ капиллярлари бузилади, бунинг натижасида сувнинг буғланиб кетиши анча камаяди. Культивация тупроқнинг иссиқлик сиғимини, газ алмашувини оширади, ўсимлик илдизларига кислороднинг кириб боришини кўпайтиради, бу эса иссиқлик, сув ва тўйимли моддалардан фойдаланиш коэффициентини ошириш имконини беради.

СоюзНИХИ тажрибаларининг натижалари шуни кўрсатадики, қатор ораларига ишлов бериш тупроқ етилгандан кейин уч-беш кунга кечикиб қолиши пахта ҳосилининг гектар бошига 5-8 центнер камайишига олиб келади.

Мўл ҳосил миришкорлари бегона ўтларга қарши курашда интеграцияланган методдан фойдаланмоқдалар, пахта далаларида шундай ўтларнинг ўсиб ривожланишига йўл қўймаяптилар. Далаларнинг ўзида, шу билан бирга карталарнинг чеккаларида, ирригация шохобчаларининг ёқаларида, боғ ва токзорларда, бегона ўтлар пайдо бўлиб қолиши мумкин бўлган сабзавот, полиз экинлари майдонларида ҳам бундай ўтларга қарши кураш олиб борилмоқда. Аввало, кўп йиллик бегона ўтларнинг илдизпояларини тараб ташлаш йўли билан ўтказиладиган агротехника тадбирларига, икки ярусли плуглардан фойдаланишга, бегона ўтларни уларнинг уруғи пишиб етилгунча тугатишга, ғўза қатор ораларига сифатли ишлов беришга ва, ниҳоят, пахтазорда бегона ўтлар пайдо бўлиши биланоқ уларни илдизи билан тугатишга катта эътибор берилмоқда.

ҒЎЗА парваришининг илғор усули — эгатлар ва пушталарга экиш усулидан кенг фойдаланилмоқда. Бундай усул томир чиришининг олдини олади, ноқулай об-ҳаво шароитлари чоғида такрорий экишга ҳожат қолдирмайди. Эгатлар ва пушталарга чигит қадалган зонада тупроқ ҳарорати 3 процентгача ошади. Намнинг йўл қўйилган нормаларидан ортиқ тўпланишига имкон бермайди, бу эса пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 3-7 центнер оширади. Ғўза парваришининг бу илғор усули ҳамма жойда жорий этилиши керак.

Касалликлар ва қишлоқ хўжалик зараркунандалари пахтачиликка катта зарар етказади. Вилтга қарши самарали курашни ташкил этиш мақсадида алмашлаб экишни ўзлаштиришга, тупроқни органик моддалар билан бойитишга, ғўзаларга минерал ўғитларни экиннинг талабига қараб солишга ниҳоятда катта эътибор бермоқдалар, қўллатиб суғоришга йўл қўймаяптилар. Мана шу барча тадбирлар вилт касаллигининг зарарли оқибатларини анча камайтиради. Худди шу мақсадда ҳамма жойда вилтга чидамли навларни жорий этиш керак, албатта. Трипс, ўргимчаккана ва кўсак қурти каби қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши самарали курашиш учун барча хўжаликларда ҳамма пахта далалари ва уларга туташ суғориладиган ерлар текшириб чиқилмоқда. Профилактик ишлов беришга зўр эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш химиявий воситаларини қўлланиш ҳажми йил сайин камайиб бормоқда, трихограмма ва габробракондан фойдаланиш йўли билан биологик тадбирларни қўлланиш кенг оммалашди. Масалан, Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозида зараркунандаларга қарши кураш батамом биологик методлар ёрдамида олиб борилмоқда. Тошкент области пахтакорларининг бу тажрибаси ҳамма жойда татбиқ этилиши керак.

Эртапишар мўл ҳосилнинг етилиши ғўза чеканкасини ўз вақтида ўтказиш билан боғлиқ. Бу ишни Тошкент областидаги хўжаликлар гектарига 100—110 минг тупдан ғўза бўлгани ҳолда ҳар бир тупда 14—15 тадан кўсакли шох пайдо бўлгач, чеканка машиналари ёрдамида бажарадилар. Одатда ғўза туплари қалин бўлганида чеканка кўсакли шохлари камроқ — 13-14 та, сийрак экилганида эса 16-17 та бўлганида ўтказилади. Ўз вақтида қилинган чеканка ҳосил тугунчалари тўкилиб кетишини кескин камайтиради, мўл ҳосил тўпланишига кўмаклашади. Энг асосийси эса чеканкадан кейин ғўзаларга дефолиантлар тез таъсир қилади, уларнинг ҳосилдорлиги пасаймайди ҳамда дефолиантлар ва десикантлар қўлланилишидан ҳосил сифати ёмонлашмайди.

Маълумки, ҳозирги вақтда дефолиацияни сифатли ўтказмай туриб, пахта теримини механизациялаш мумкин эмас. Бу усулнинг самарадорлиги ғўзаларни етилиш даражасига ва атроф-муҳит омилларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Дефолиация даврида ҳар бир туп ғўзада ўсимликнинг ривожланиш даврига қараб тупнинг катта-кичиклигига боғлиқ ҳолда ўрта ҳисобда 3—4 тадан ва ундан ҳам кўпроқ кўсак очилган бўлиши керак. Бу давр баргларнинг табиий тўкила бошлаши билан бир вақтга тўғри келади. Шу сабабли бу вақтда дефолиантларининг таъсири остида барглар кўплаб тўкилиб, кўсаклар очила бошлайди. Ҳавонинг ўртача кунлик ҳарорати 18-20 градус атрофида бўлганида дефолиантлар яхши таъсир қилади. Одатда бундай ҳарорат режими август ойининг охирларида ва сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида бўлади. Шу боисдан Тошкент области пахтакорлари ғўзаларнинг август охирлари ва сентябрь бошларигача тўлиқ етилишини таъминлайдиган агротехника усулларини қўлланмоқдалар. Худди шу даврда ғўзани асосан ердаги пуркагичлар ОВХ-14 ва ОВХ-28 ёрдамида дефолиация қилмоқдалар, бундай пуркагичлар препаратнинг ҳамма баргларга пуркалишини ва бир марта ишлов беришдаёқ баргларнинг энг кўп даражада тўкилишини таъминлайди. Ишлов беришдан кейин 7—8 кун ўтгач, машина теримига киришилади. Шуни таъкидлаш кераккн, авиация ёрдамида ишлов бериш чоғида ҳамиша ҳам исталган самарага эришилавермайди, шу сабабли такрорий дефолиация ўтказишга тўғри келади, бу эса ҳосилнинг йиғиб-териб ола бошлаш муддатларини анча чўзиб юборади. Шу боисдан Тошкент области пахтакорларининг ғўзаларга дефолиантлар пуркайдиган ердаги воситалардан фойдаланиш борасидаги тажрибаси республикамизнинг бошқа пахтачилик зоналарида ҳам кенг кўламда фойдаланилиши керак. Бу заҳарли химикатлар сарфлаш нормасини анча камайтиради ва атроф-муҳитнинг булғаниш даражасини пасайтиради.

ТОШКЕНТ области пахтакорлари ҳосилни машинада териш ишларини ташкил этишга катта эътибор бермоқдалар. Кўпгина хўжаликлар ва районлар ҳосилнинг ҳаммасини машиналар билан териб олмоқдалар ва қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида бажармоқдалар. Йиғим-терим кечаю-кундуз ўтказилади. Бунинг учун пахта териш техникаси, юқори малакали механизаторлар, пахта териш машиналарининг ҳайдовчилари ва пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда қатнашадиган бошқа кадрлар ўз вақтида ва сифатли тайёрлаб қўйилмоқда.

Об-ҳаво шароитлари қулай бўлганда ҳосилни машиналар билан барвақт йиғиб-териб олиш пахтанинг биринчи сортларини анча кўпайтиради. Хўжалик экономикасига катта зарар етказадиган тўртинчи сорт миқдорини ғоят камайтиради. Хоразм, Бухоро ва Сурхондарё областларининг пахтакорлари ҳам шундай ижобий натижаларга эришдилар. Бу областларда тайёрланган биринчи сортли пахта миқдори 80 процентга етади ва ундан ҳам ошади.

Афсуски, машинада терилган ҳосил ҳамиша ҳам қуритиш-тозалаш цехидан ўтказиляпти, деб бўлмайди. Кўпинча пахта жуда нам ва ифлос ҳолида ғарамланади, бу эса уни сақлаш жараёнида маҳсулот сифатининг пасайишига олиб келади. Пахта тозалаш саноатининг вазифаси қуритиш-тозалаш цехлари қувватини оширишдан ва териб олинган жамики пахтанинг 4-5 ой ичида қайта ишланишини, пахта, тола ва чигит ёпиқ биноларда сақланишини таъминлашдан иборатдир. Тўртинчи ва учинчи сортлардаги пахта уларнинг терилишига қараб қайта ишланади.

Шундай қилиб, Тошкент технологияси — агротехник, ташкилий ва иқтисодий тадбирлар комплексидан иборатдир. Бу тадбирларнинг бирга қўшиб олиб борилиши, уларнинг системасига эртаги ҳосилни, маҳсулотнинг юксак сифатли бўлишини ва таннархининг пастлигини таъминлайди.

Областда пахтачиликка коллектив пудратни жорий этишга катта эътибор берилмоқда, чунки меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бу системаси меҳнат ва маблағларни тежаб сарфлаган ҳолда мўл, сифатли ҳосил олинишидан моддий манфаатдорликни таъминлайди. Бу йил областда 991 бригада ва звено ёки улар умумий миқдорининг 75 проценти пахтачиликда меҳнатга ҳақ тўлашнинг нарядсиз системасини қўлланмоқда.

Пахтанинг харид нархлари оширилганлиги ҳамда қўл ва машинада терилган пахтага янги ГОСТ жорий этилганлиги пахтачиликда ишлаб чиқаришни юксалтириш, иш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун кенг имкониятлар беради. Республика хўжаликлари нархларнинг оширилганлиги ҳисобидангина бу йил қўшимча 430 миллион сўмдан кўпроқ маблағ оладилар. Қўлда ва механизмлар ёрдамида терилган пахтага ягона стандартнинг жорий этилганлиги унинг сифати яхшиланиши ҳамда колхоз ва совхозларнинг даромади ўсишини таъминлайди.

Демак шундай тадбирлар системаси яратилганки, бу система пахта етиштириш даврини қисқартиришни, ҳосил йиғим-теримини октябрь ойида ниҳоясига етказишни, маҳсулот сифатини ўстиришни ташкил этиш ва иқтисодий жиҳатдан таъминлайди. Аммо бу система катта социал аҳамиятга ҳам эга. Чунки студентлар, хизматчилар, ишчиларни йиғим-теримга жалб этишдан воз кечиш, пахтакорлар меҳнатини ижодий, янада унумли ва мазмунли меҳнатга айлантириш имконини беради.

Тошкент технологияси муттасил ривожлантирилмоқда ва такомиллаштирилмоқда. Пахтачилик соҳасидаги олимлар ва мутахассислар бир қанча жуда мураккаб проблемаларни ҳал этишлари керак. Аввало серҳосил, касалликларга ва зараркунандаларга чидамли, вегетация даври 110-115 кундан ошмайдиган, толаси I, II ва IV типларда бўлган тезпишар навлар яратилиши лозим. Уруғчилик проблемасини илмий асосга қўйиш, пахтачиликни биринчи класс чигитлар билан таъминлаш керак. Шу мақсадда ҳар бир областда уруғлик чигит тайёрлайдиган ва қайта ишлайдиган ихтисослаштирилган заводлар барпо этиш зарур. Ҳамма жойда касалликларга, зараркунандалар ва бегона ўтларга қарши курашнинг интеграцияланган тадбирлари жорий этилиши, алмашлаб экишни жорий этишга ва тупроқ унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилиши, минерал ва органик ўғитлардан оқилона фойдаланиш проблемасининг ҳал этилиши, пахтачиликда барча ишлар комплекс механизацияланиши, бегона ўтларга қарши курашни, суғоришни, ҳосил йиғим-теримини механизациялашга алоҳида эътибор берилиши, тўқимачилик саноати учун юқори сифатли хом ашёни қабул қилиб олиш, қайта ишлаш ва тайёрлаш масалалари такомиллаштирилиши, экономика ва меҳнатни ташкил этиш соҳасидаги тадқиқотлар кенгайтирилиши керак.

Ҳеч шубҳа йўқки, олимлар ва қишлоқ хўжалик мутахассислари ғўза парваришининг Тошкент индустриал технологияси республикамизнинг бошқа областларида ҳам пахтачиликни ривожлантиришнинг қудратли омили бўлиб қолиши учун партия раҳбарлигида ҳамма ишни қиладилар. Бу эса партиямиз аграр сиёсатини муваффақиятли равишда амалга оширишга кўмаклашади.

**С. Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,**
**ВАСХНИЛ академиги,**
**ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими президиумининг раиси,**
**А. И. ИМОМАЛИЕВ,**
**ВАСХНИЛ академиги, СоюзНИХИ директори.**

(ЎзТАГ).

# ЧЕТ ЭЛЛАРДА

## СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ВИЗИТИ

ЛУАНДА, 2 август, (ТАСС). Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик Совет комитети президиумининг аъзоси, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри Б. А. Абдураззоқов бошчилигидаги шу комитет делегациясининг Ангола Халқ Республикасига қилган визити тугади. Совет Иттифоқилик меҳмонларни МПЛА — Меҳнат партияси Марказий Комитетининг аъзоси, АХР ташқи ишлар министри Паулу Жоржи қабул қилди. Улар Жануби-Ғарбий Африка халқ ташкилотининг президенти С. Нуйома ҳамда Жанубий Африка африкаликлар миллий конгрессининг Ангола-даги вакили У. Мокеба билан учрашдилар.

## ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

1 август куни Москвада Африкадаги француз тилида гаплашадиган мамлакатларнинг «атроф муҳитни яхшилаш мақсадида шаҳарларни планлаштириш» деган мавзуда халқаро семинари очилди. Семинар қатнашчилари аҳоли пунктларини ривожлантиришда қулай атроф-муҳитни вужудга келтириш соҳасида СССРнинг тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Ўрта Осиёнинг совет республикаларида шаҳарларни планлаштириш тажрибаси Африка мамлакатлари мутахассислари учун алоҳида қизиқиш уйғотаётганлиги айтиб ўтилди. Чунки бу республикалар табиий иқлим шарт-шароити, демографик ривожланиши суръатлари жиҳатидан Африка мамлакатлари билан маълум даражада ўхшаб кетади. Бу энг аввало ирригация лойиҳаларини тузиш, фойдали қазилма конларини ишлаб чиқиш, транспорт коммуникацияларини барпо этиш давомида қурилган шаҳарлар ва қишлоқларга taaлуқлидир.

Меҳмонлар Москва ва Ўзбекистонда лекциялар тингладилар, ҳаво ҳавзасини, акватория ва тупроқни булғанишдан ҳимоя қилиш, хавфли геологик жараёнлардан огоҳлантириш, шовқин даражасини пасайтириш вазифалари қандай ҳал этилаётганлиги билан танишадилар.

**(ТАСС мухбири).**

## ЧАДДАГИ АҲВОЛ

● ПАРИЖ. Заир командаси бўлинмалари ва АҚШ, Франция, Судан ҳамда бошқа мамлакатлардан ёлланган сотқинлар Чад Миллий бирлиги мувaққат ҳукуматининг кучларига қарши Файя-Ларжо шаҳри учун олиб борилган жангларда ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Франс-Пресс агентлигининг билдиришича, Чад Миллий бирлиги мувaққат ҳукуматининг радиоси шу тўғрида хабар берган.

Чет эл қўшинлари, дейилади эшиттиришларда, Чаднинг шимолида жойлашган Файя-Ларжога Американинг «С-130», «Геркулес» ҳарбий транспорт самолётларида қўшни бир давлат» территорияси орқали юборилган. Американинг жосус йўлдошлари ва Франциянинг «Бреге 1150 Атлантик» разведкачи самолёти уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириб турган.

Ҳозирги вақтда, деб таъкидлаб ўтилади радионинг хабарида, Чад Миллий бирлиги ҳукуматининг раиси, Чад Миллий озодлик фронтининг раҳбари Гукуни Уэддей қўл остидаги қўшинлар Файя-Ларжони ишғол қилган қўшинларни қуршаб олдилар ва бу қўшинлар артиллериядан қаттиқ тўпга тутилмоқда.

Франс Пресс агентлиги хабар беради: Нжамена ҳозирги режимнинг бошлиғи Хиссен Хабре Францияга мурожаат қилиб, Чад можаросига ҳарбий йўл билан бевосита аралашишни сўраган. Хабре ҳукуматининг ташқи ишлар министри Идрисс Мискин АҚШга ва «бошқа дўст мамлакатларга» ҳам шундай илтимос билан мурожаат қилинганлигини айтди. Бундай хуруж АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчиларининг Чадга бевосита бостириб киришларини шундан кейин Африка мамлакатида ўз ҳарбий кучларини доим сақлаб қолишни таъминлаш мақсадини кўзда тутади.

● ТРИПОЛИ. Ҳозирги Нжамена режими ва ғарбдаги оммавий ахборот воситалари Ливия Чад ишларига «ҳарбий йўл билан аралашмоқда» деган уйдирмаларни тарқатган эди. Ливия ташқи алоқа халқ бюроси бундай уйдирмаларни қатъиян рад этди. Халқ бюросининг ЖАНА агентлиги тарқатган баёнотида Ливия самолётлари Чад чегараларидан учиб ўтмаяпти, деб таъкидлаб ўтилади.

● ПАРИЖ. Франс-Пресс агентлигининг яна Нжаменадан хабар беришича, Хиссен Хабре режими қўшинлари Миллий бирлик мувaққат ҳукумат раиси, Чад Миллий озодлик фронти бошлиғи Гукуни Уэддей қўшинлари билан шиддатли жанглардан кейин мамлакат шимолида жойлашган Файя-Ларжо шаҳрини ишғол қилдилар. Америка матбуоти Франция билан АҚШ Нжаменанинг ҳозирги маъмурларига кенг миқёсда ҳарбий ёрдам берганлиги, шунингдек Ғарб мамлакатларидан ёлланган юзлаб солдатлар Хабре томонида туриб уруш ҳаракатларига бевосита қатнашганлиги ҳамда икки минг кишилик Заир командасининг иштироки сабабли бу ҳужумнинг муваффақиятли ўтганлигини таъкидлаб ўтади.

**(ТАСС, 1 август).**

## МАСЛАҲАТЛАШУВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

РИМ. Италия Социалистик партиясининг сиёсий секретари Б. Кракси христиан демократлар, социал демократлар, республикачилар, либерал ва социалистик партия бошлиқлари билан учрашди. Унга янги ҳукуматни тузиш топширилган. Министрлар кабинети мана шу партиянинг вакилларидан иборат қилиб тузилади.

Кракси ишлаб чиққан ҳукумат программаси лойиҳаси учрашув давомида муҳокама қилинади. Программанинг иқтисодий қисмида пулнинг қадрсизланиш суръатларини пасайтириш кераклиги кўрсатиб ўтилган. Ҳозирги вақтда пул қадрсизланишининг ўртача йиллик миқдори 16 процентга етади. Давлат бюджетининг бу йил 90 миллиард лирага етиш хавфи туғилган жуда катта камоматини қисқартириш ҳам керак бўлади. Бунинг учун, жумладан, соғлиқни сақлаш ва пенсия таъминоти харажатларини кескин чеклаш, маҳаллий ҳокимият органларига маблағларни камайтириш, бир қанча солиқларни ошириш кўзда тутилади.

Янги ҳукумат ташқи сиёсат соҳасида Атлантика йўлини ҳеч сўзсиз қувватлаш ниятидадир. Программа лойиҳасида Ғарбий Европанинг бир қанча мамлакатларда, шу жумладан Италияда Американинг ўртача олисликка учириладиган ядро ракеталарини жойлаштириш тўғрисида 1979 йил декабрь ойида НАТО кенгаши сессиясида қабул қилинган қарорга қаттиқ риоя қилиш зарурлиги айтилган.

(ТАСС).

## ПАП агентлигининг баёноти

ВАРШАВА, 1 август. (ТАСС). Президент Р. Рейган Польшага қарши янги хуружлар билан чиқди. Бунга ПХРнинг ички ишларига қўпол равишда аралашувдан бошқа бир нарса деб баҳо бериб бўлмайди, деб таъкидланади ПАП агентлигининг бу ерда тарқатилган баёнотида. Р. Рейган Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишлаб Хельсинкида ўтказилган кенгашнинг Якунловчи ҳужжати имзоланганлигининг 8 йиллиги муносабати билан баёнот берди. Лекин Рейганни тарихий кенгашнинг ижобий натижаларини сақлаш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги ғамхўрлик ташвишга солаётгани йўқ. Аксинча у Хельсинки руҳига зид бўлган баёнотларида Польша ва бошқа социалистик мамлакатлар шаънига уйдирмалар ёғдирди.

(ТАСС).

